

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1497-ҳадис**

1497 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ فِي دُعَائِهِ: «اللَّهُمَّ
إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا عَمِلْتُ، وَمِنْ شَرِّ مَا لَمْ أَعْمَلْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2716].

1497. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дуоларида: «Аллоҳумма, инни аъузу бика мин шарри маа ғамилту ва мин шарри маа лам аъмал», деб айтардилар.

* Маъноси: «Аллоҳим! Мен Сендан қилган ишларимнинг шарридан ва қилмаган ишларимнинг шарридан паноҳ тилайман»

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Тобеинлардан бўлган бир киши Оиша розияллоҳу анҳодан Расули Акрамнинг энг кўп қайси дуони ўқиганларини сўради. У киши эса, юқоридаги дуони айтди.

«Шу вақтгача қилган гуноҳларимнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман» сўзи инсоннинг билиб туриб ёки билмасдан қилган гуноҳларини ўз ичига олади. Ҳатто инсоннинг қилиши керак бўлиб, лекин қилмаган яхшиликлари ҳам бу дуонинг ичига киради. Бу дуони қилган инсон шундай деб айтган бўлади:

«Эй Роббим, дунё ва охиратда ҳисообини беришим керак бўлган бутун гуноҳларимни кечир!».

«Бундан кейинги қиладиган ишларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман» сўзи яна ҳам кенгроқ маънодадир. Бу сўзга биринчи бор қаралганда, инсоннинг келажакдаги қилиши мумкин бўлган гуноҳларни тушунтирганини ўйлашимиз мумкин. Мисол учун гуноҳ содир этишдан жуда қаттиқ сақланган бир кимса бу ҳолати туфайли ғурурланиб, гуноҳ содир этиши мумкин. Ояти каримада келишича: «...фақат зулм қилганнинг ўзигагина етмайдиган фитнадан сақланинг» (Анфол сураси, 25-оят) деб айтилган.

Инсон бу дуони ўқиш орқали бошига келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан Аллоҳдан паноҳ сўраган бўлади.

Манба: hadis.islom.uz

